



ЖУМА МАВЪИЗАСИ  
“11” Февраль 2022 й.

Н.ХОЛИҚНАЗАРОВ  
“10” Ражаб 1443 й.



## ҚУРЪОНИ ҚАРИМДАГИ ЭНГ БУЮК ОЯТ (Оятал курсининг фазилати)

**Ҳурматли жамоа!** Бугунги маърузамизда Қуръони карим оятлари ичида энг буюги ва улуғи деб таърифланган, Пайғамбаримиз алайҳиссалом эртаю кеч ўқиб юришни тавсия қилган, ҳадиси шарифларда бир қанча фазилатлари баён қилинган, Бақара сурасининг 255-оятини бўлмиш, Оятал курси ҳақида суҳбатлашамиз. Барчамизга маълум бўлган Оятал курси қуйидагичадир:

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَّةٌ وَلَا نَوْمٌ لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا يَئُودُهُ حِفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ

яъни: “Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг ўзи бордир! У тирик ва абадий турувчидир. Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмайди. Осмонлар ва Ердаги (барча) нарсалар Уникидир. (Қиёмат куни) Унинг ҳузурда ким ҳам (гуноҳкорларни) Унинг рухсатисиз шафоат қила оларди?! Аллоҳ одамларнинг олдиларидаги ва ортларидаги бор нарсани билади. (Одамлар) Унинг илмидан фақат (У) истаган миқдорича ўзлаштирурлар. Унинг Кўрсийси осмонлар ва Ерни (ҳам) ўз ичига сиғдира олур. У иккисини муҳофаза этиш Уни толиқтирмас. У Олий ва Буюқдир” (Бақара сураси 255-оят).

Энди ушбу “Оятал курси”ни қисқа тафсири билан танишсак:

“Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг ўзи бордир!” Аллоҳ яккаю-ягона, фақатгина Аллоҳга ибодат қилинади. Унгагина илтижо қилиб, ҳожатлар сўралади. Аллоҳдан бошқага ибодат қилиш эса, катта адашиш ва Аллоҳга ширк келтиришдир.

“У тирик ва абадий турувчидир”. Аллоҳнинг тириклиги азалий ва абадий бўлиб, уни бошланиши ҳам, тугаши ҳам йўқ. Аллоҳ барча борликдаги нарсани бошқарувчи ва яратувчидир. Аллоҳнинг изни ва ёрдамисиз бирор-бир кўкат ўсмас, бирор-бир барг тўкилмас, ҳеч ким ризқ топа олмас ва бирор-бир жонзот ҳаракат қила олмас ҳатто нафас ҳам ололмайди. Демак, Аллоҳ таоло еру осмондаги барча нарсани бошқариб, уларни ҳаракатга келтириб турадиган Зотдир. Ушбу “Ал-Ҳай ва Ал-Қайюм” исмларини баъзи уламоларимиз Исми Аъзам деб, бу исмлар билан дуо қилинса ижобат бўлади деганлар. Бунга Пайғамбарлар алаҳиссаломларнинг қуйидаги дуоларини мисол келтирганлар:

كَانَ دُعَاءُ عِيسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ عِنْدَ إِحْيَاءِ الْمَوْتَى بِإِذْنِ اللَّهِ: (يَا حَيُّ يَا قَيُّوْمُ)،  
وَلَمَّا أَرَادَ سُلَيْمَانُ عَلَيْهِ السَّلَامُ عَرْشَ بَلْقَيْسَ، دَعَا قَائِلًا: (يَا حَيُّ يَا قَيُّوْمُ)،

**яъни:** “Исо алайҳиссалом Аллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтиришида “Ё Ҳайю, ё Қойюм” деб дуо қилганлар. Сулаймон алайҳиссалом Билқиснинг тахтини Аллоҳнинг изни билан олдиларида ҳозир бўлишини хоҳлаганларида “Ё Ҳайю, ё Қойюм” деб дуо қилганлар”.

Демак, биз ҳам дуоларимизда Аллоҳ таолонинг ушбу икки исм-сифатини айтиб, ҳожатларимизни сўрашимиз айна муддао бўлар экан.

**Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмайди.** Аллоҳ доимо уйғоқ. Уни бир лаҳза ҳам уйқу олмайди. “Солиҳлар гулшани” номли китобда ажойиб воқеа келтирилган: Бир киши бир бегона аёлга кўнгил кўйди. Ўша аёл бир кеча ўз эҳтиёжи учун бир жойга кетган эди, эркак унинг ортидан эргашди. Иккиси холи жойга борганда эркак аёлга фаҳш ишни таклиф қилди. Аёл унга: “Қара-чи, ҳамма ухляптимики?” деди. Ҳалиги киши аёл зинога рози бўлди деб ўйлаб, ташқарига чиқди, одамлар яшайдиган жойларни айланиб чиқди. Ҳамма ухлаётганини кўриб, хурсанд бўлиб, ортига қайтди. Келиб, аёлга ҳамма ухлаётганини айтди. Аёл: “Аллоҳ табарока ва таоло-чи? У Зот ҳам ухляптими?” деди. Киши: “Аллоҳ таоло ухламайди, Уни мудроқ ҳам тутмайди”, деди. Аёл: “Ҳа, Аллоҳ ухламаган ва ҳеч қачон ухламайди ҳам. Унинг яратган махлуқотлари бизни кўрмаса ҳам, Унинг Ўзи бизни кўриб туради. Мана шундан кўрқиш керак”, деди. Эркак бу сўзлардан ларзага тушиб, аёлдан узоклашди. Қилган иши учун Аллоҳ таолодан кўрқиб, астойдил тавба қилди. У вафот этгач, бир киши уни тушида кўриб, “Аллоҳ таоло сенга қандай муомалада бўлди?” деб сўради. У: “Аллоҳдан кўрқиб, тавба қилганим учун гуноҳимни кечирди”, деди.

**Осмонлар ва Ердаги барча нарсалар Уникидир.** Осмону ерда нимаки бўлса, ҳаммасининг эгаси Аллоҳдир. Бу эгалик умумий бўлиб, ҳеч нарсани четда қолирмайди. Бу эгаликни ҳеч бир нарса чегаралай олмайди.

**(Қиёмат куни) Унинг ҳузурда ким ҳам (гуноҳкорларни) Унинг рухсатсиз шафоат қила оларди?!** Дарҳақиқат, Аллоҳ изн берган зотларгина гуноҳкорларни шафоат қилади. Бу ҳақда Имом Қуртубий раҳматуллоҳи алайҳ бундай деганлар:

أَذِنَ اللَّهُ تَعَالَى لِلْأَنْبِيَاءِ وَالْأَوْلِيَاءِ وَالْعُلَمَاءِ وَالْقُرَّاءِ وَالصَّالِحِينَ بِالشَّفَاعَةِ لِمَنْ ارْتَضَى لَهُمُ الشَّفَاعَةَ، فَيَشْفَعُونَ لِمَنْ أَدَخَلُوا النَّارَ

**яъни:** “Пайгамбарлар, авлиёлар, уламолар, қорилар ва тақводорлардан иборат Аллоҳ Ўзи рози бўлган зотларга шафоат қилишга рухсат беради. Натижада, улар дўзахга кирувчиларни шафоат қиладилар”.

Демак, ҳеч ким бировни ўртасига тушиб шафоатчилик қилишга журъат қила олмайди. Фақат Аллоҳнинг Ўзининг изни билангина, У берган изн чегарасидагина шафоат қила олади.

**Аллоҳ одамларнинг олдиларидаги ва ортларидаги бор нарсани билади.** Аллоҳ таоло бандаларнинг аввал қилган, ҳозир қилаётган ва кежлажақда қиладиган ишларини ҳам билиди. Демак, банда ҳар бир ишини Аллоҳ кўриб турганини ҳис қилган ҳолатда қилиши ва Қиёмат куни ҳар бир қилмишидан савол-жавоб бўлишини ҳис қилиб туриши лозим.

**(Одамлар) Унинг илмидан фақат (У) истаган миқдорича ўзлаштирурлар.** Демак, инсон, илмнинг чўққисига чиқдим, деб жар солганда ҳам, Аллоҳ изн берган озгина илмга эришган бўлади, холос. Шунинг учун ҳам Хизр алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга:

مَا عَلَّمِي وَلَا عِلْمُكَ مِنْ عِلْمِ اللَّهِ إِلَّا كَمَا نَقَصَ هَذَا الْعَصْفُورُ مِنَ الْبَحْرِ

**яъни:** “Мен билан сени илминг Аллоҳнинг илмини олдида худди денгиздан чумчуқ тумшугида сув олгандекдир”.

Демак, қайси соҳанинг илмини эгаллаган бўлишимиздан қатъий назар, илмимиз қанчалигидан асло ғурурланмаслигимиз керак.

**Унинг Курсийси осмонлар ва Ерни (ҳам) ўз ичига сиғдира олур.** Мазкур ояти каримани бундай ном олишига сабаб “Курсий” сўзининг оят ичида зикри келганидир. “Курсий”нинг луғавий маъноси ўриндиқ, тахт, таянч ва курсидир. Оятдаги “Курсий” сўзини тафсир илми олимлари турли хил маъноларда тафсир қилганлар. Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ: “Курсийдан мурод Аршдир”, деганлар. Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳ эса: “Курсийдан мурод Арш эмас. Арш курсийдан каттадир”, деган. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анху: “Курсийдан мурод Аллоҳ таолонинг илмидир”, – деганлар.

Ақида уламолари: “Биз Аллоҳнинг Арши ва Курсиси борлигига иймон келтирамиз. Бу икки нарса, одамларнинг арши-тахти ва курсисига ўхшамайди. У иккисининг ҳажми, кайфияти ва сифатини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Бизнинг эса, уларни билишга ҳожатимиз йўқ. Агар ҳожатимиз бўлганида, Аллоҳнинг Ўзи баён қилиб берган бўларди”, дейдилар.

**У иккисини муҳофаза этиш Уни толиқтирмас.** Яъни, Аллоҳ таоло осмонлару ерни ва улар ичидаги нарсаларни сақлашдан ва уларни тўхтовсиз бошқариб туришдан чарчамайди. Бу иш Унга ҳеч қандай оғирлик қилмайди. Бу сифат Аллоҳнинг қудрати комил ва чексиз эканлигини кўрсатади.

**У Олий ва Буюқдир.** Аллоҳ ҳамма нарсадан юқори ва олийдир, Аллоҳ ҳамма нарсадан улўғдир.

Имом Нававий раҳматуллоҳи алайҳ бу ояти карима ҳақида шундай деганлар:

"إِنَّمَا تَمَيَّزَتْ آيَةُ الْكُرْسِيِّ بِكُؤُهَا أَعْظَمَ آيَةٍ لِمَا جَمَعَتْ مِنْ أَصُولِ الْأَسْمَاءِ وَالصِّفَاتِ مِنَ الْإِلَهِيَّةِ وَالْوَحْدَانِيَّةِ وَالْحَيَاةِ

وَالْعِلْمِ وَالْمُلْكِ وَالْقُدْرَةِ وَالْإِزَادَةِ، وَهَذِهِ السَّبْعَةُ أَصُولُ الْأَسْمَاءِ وَالصِّفَاتِ"

яъни: *“Оятал курсини энг улўғ оят бўлишининг сабаби – у ўзида Аллоҳ таолонинг исм-сифатларининг энг асосийларини жамлагандир. Улар, Аллоҳнинг илоҳлиги, яккаю ягоналиги, тирик-барҳаётлиги, барча нарсани билиши, барча нарса Уни мулки экани, барса нарсага қодирлиги ва У хоҳлаган нарсагина бўлишидир. Мана шу еттиси Аллоҳ таолонинг энг асосий исм-сифатларидир”.*

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръони каримдаги энг буюқ оят қайси эканини билдириш мақсадида саҳобалар ичида катта қорилардан бўлган Убай ибн Каъб разияллоҳу анхуга савол билан мурожаат қилганлар:

﴿ يَا أَبَا الْمُنْدَرِ، أَتَدْرِي أَيُّ آيَةٍ مِنْ كِتَابِ اللَّهِ مَعَكَ أَعْظَمُ؟ ۚ قَالَ: قُلْتُ: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ. قَالَ: "يَا أَبَا الْمُنْدَرِ،

أَتَدْرِي أَيُّ آيَةٍ مِنْ كِتَابِ اللَّهِ مَعَكَ أَعْظَمُ؟" قَالَ: قُلْتُ: {اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ}. قَالَ: فَضَرَبَ فِي صَدْرِي وَقَالَ:

"وَاللَّهِ لِيَهْنِكَ الْعِلْمُ أَبَا الْمُنْدَرِ ﴿﴾ (رواه الإمام مسلم عن أَبِي بِنِ كَعْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

яъни: *“Эй Абу Мунзир! Аллоҳнинг китобидаги энг улўғ оят қайси эканини биласизми?”* – дедилар. *“Аллоҳ ва Унинг Расули билувчироқ”,* – дедим. У зот яна: *“Эй Абу Мунзир! Аллоҳнинг китобидаги энг улўғ оят қайси эканини биласизми?”* – дедилар. Мен “Аллоҳу лаа илаҳа илла Ҳувал Ҳаййул Қаййум”, – дедим. Шунда У зот қўлларини кўксимга қўйиб: *“Аллоҳга қасам, эй, Абу Мунзир, сенга илм муборак бўлсин”,* – дедилар” (Имом Муслим ривоятлари).

Бу ҳадиси шарифдан Қуръони каримдаги энг улўғ оят “Оятал курси” эканини билиб оламиз.

“Оятал курси”нинг бир қанча фазилат ва фойдалари мавжуд бўлиб, қуйида улардан баъзисини келтирамиз:

Абу Ҳурайра разияллоҳу анхудан ривоят қилинади, “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам мени Рамазон закотини кўриқлашга вакил қилдилар. Биров келиб

тўпланган егуликдан ҳовучлаб ола бошлади. Уни ушлаб: “Ҳозир сени Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бораман”, дедим. У: “Мени қўйиб юбор, бола-чақам бор, жуда ҳам муҳтожман”, деди. Уни қўйиб юбордим. Тонг отганда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Ҳой, Абу Ҳурайра! Кечаги асиринг нима қилди?”** – дедилар. “Эй Аллоҳнинг Расули, жуда ҳам муҳтожлигидан, бола-чақасининг кўплигидан шикоят қилган эди, раҳмим келиб, қўйиб юбордим”, дедим. У зот: **“Сенга ёлгон гапирган бўлиб, қайтиб келса-чи?”** – дедилар. Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг, “қайтиб келса-чи”, деганларидан унинг яна келишини билдим ва пойлаб турдим. У келиб, яна егуликдан ҳовучлаб ола бошлади. Уни тутиб олдим ва: “Сени Расулуллоҳнинг олдиларига олиб бораман”, дедим. У яна: “Мени қўйиб юбор, бола-чақам бор, жуда ҳам муҳтожман”, деди. Раҳмим келиб, уни қўйиб юбордим. Тонг отганда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Ҳой, Абу Ҳурайра, кечаги асиринг нима қилди?”** – дедилар. “Эй Аллоҳнинг Расули, жуда ҳам муҳтожлигидан, бола-чақасининг кўплигидан шикоят қилган эди, раҳмим келиб, қўйиб юбордим”, дедим. У зот: **“Сенга ёлгон гапирган бўлиб, қайтиб келса-чи?”** – дедилар. Учинчи марта пойлаб туриб, яна ушлаб олдим ва: “Энди уч марта бўлди, сени, албатта, Расулуллоҳнинг ҳузурларига олиб бораман. Ҳар сафар қайтиб келмайман, деб яна келасан”, дедим. У: “Мени қўйиб юборсанг, Аллоҳ сенга манфаат берадиган сўзларни ўргатиб қўяман”, деди. “Улар қандай сўзлар?” – дедим. “Кўрпангга кириб ётганинда, “Оятал Курсий”ни ўқисанг, Аллоҳ тарафидан сени қўриқчи қўриб турадиган бўлади. Тонг отгунча сенга жину шайтон яқинлашмайди”, деди. Эртасига ушбу ҳолатни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга айтсам, У Зот: **“Ўзи ёлгончи бўлса ҳам, сенга рост гапирибди, дедилар ва: “Уч кундан бери ким билан гаплашаётганингни биласанми, эй Абу Ҳурайра?”** – дедилар. Мен “Йўқ”, дедим. У Зот алайҳиссалом: **“Ўша Шайтон эди”**, дедилар” (Имом Бухорий ривоятлари).

Демак, Оятал курси ўқилган уйдан жину шайтолар қочади ва ўқигувчини Аллоҳ таоло Ўз ҳифзу ҳимоясида сақлайди.

Ҳар бир фарз намоздан кейин Оятал курсини ўқиш – кишини жаннатга киришига сабабдир. Бу ҳақда Расулимиз алайҳиссалом шундай марҳамат қилганлар:

﴿ مَنْ قَرَأَ آيَةَ الْكُرْسِيِّ دُبْرَ كُلِّ صَلَاةٍ مَكْتُوبَةٍ ، لَمْ يَمْنَعْهُ مِنْ دُخُولِ الْجَنَّةِ ، إِلَّا الْمَوْتُ ﴾

(رواه الامام النسائي عن أبي أمامة رضي الله عنه)

яъни: **“Ким ҳар бир фарз намознинг ортидан Оятал курсини ўқиса, уни жаннатга киришдан фақатгина ўлим тўсиб туради”** (Имом Насоий ривоятлари).

Намоздан кейин Оятал курсини ўқиш фазилати ҳақида бошқа ҳадиси шарифда шундай дейилган:

﴿ مَنْ قَرَأَ آيَةَ الْكُرْسِيِّ دُبْرَ كُلِّ صَلَاةٍ مَكْتُوبَةٍ كَانَ فِي ذِمَّةِ اللَّهِ إِلَى الصَّلَاةِ الْآخِرَى ﴾

(رواه الامام الطبراني عن الحسن بن علي رضي الله عنه)

яъни: **“Ким ҳар бир фарз намозидан кейин Оятал курсини ўқиса, кейинги намозгача Аллоҳ таолонинг зиммасида бўлади”** (Имом Табароний ривоятлари).

Демак, ҳар бир фарз намозидан кейин “Оятал курси”ни ўқишни одат қилган кишини жаннатга кириши умид қилинади. Шундай экан, намоздан кейин ўқиладиган Оятал курси ва тасбиҳларга алоҳида эътибор бериб, Уларга доимий амал қилиб юриш катта ажрлар ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Намоздан кейинги тасбеҳлар ҳақида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагича марҳамат қилганлар: **“Ким ҳар намоздан кейин ўттиз уч марта “Субҳаналлоҳ”, ўттиз уч марта “Алҳамдулиллаҳ”, ўттиз уч марта “Аллоҳу акбар”, деса бу тўқсон тўққизта бўлади, юзинчисида “Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарика лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайин қодир” яъни, “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, у яккаю ягонадир, унинг шериги йўқ, мулк униқидир, мақтов унгадир, у ҳамма нарсага қодирдир”, деса, гарчи гуноҳлари денгиз кўпигича бўлса ҳам кечирилади”** (Имом Муслим ривоятлари).

Намоздан кейин ўқиладиган Оятал курси ва зикрлар Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг бизга қилган тавсиялари бўлиб, мустаҳаб амалдир.

Ҳанафий мазҳабимиз уламолари намоздан кейинги зикрларни фарз ва суннат ўртасида эмас, балки намознинг охирида ўқиш суннатга мувофиқ бўлишини таъкидлайдилар. Бунга Оиша онамиздан нақл қилинган қуйидаги ҳадисни далил қилиб келтиришган:

كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَفْعُدُ إِلَّا بِمِقْدَارِ مَا يَقُولُ: "اللَّهُمَّ أَنْتَ السَّلَامُ وَمِنْكَ السَّلَامُ

تَبَارَكْتَ يَا ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ مُسْلِمٌ وَالْإِمَامُ التِّرْمِذِيُّ)

яъни: **“Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам (фарз намозининг охирида) салом берганларидан кейин фақат “Эй Аллоҳ! Сен саломсан, салом сендандир, Сен муборак бўлдинг, эй жалол ва икром эгаси!” дейдиган миқдорича ўтирардилар”** (Имом Муслим ва Имом Термизий ривоятлари).

Бу мавзуда Аллома ибн Обидин раҳматуллоҳи алайҳ шундай дейдилар:

وَأَمَّا مَا وَرَدَ مِنَ الْأَحَادِيثِ فِي الْأَذْكَارِ عَقِيبَ الصَّلَاةِ فَلَا دَلَالَهَ فِيهِ عَلَى الْإِثْنَانِ بِهَا قَبْلَ السُّنَّةِ بَلْ يُجْمَلُ عَلَى الْإِثْنَانِ بِهَا بَعْدَهَا لِأَنَّ

السُّنَّةَ مِنْ لَوَاحِقِ الْفَرِيضَةِ وَتَوَابِعِهَا وَمُكْمَلَاتِهَا فَلَمْ تَكُنْ أَجْنَبِيَّةً عَنْهَا فَمَا يُفْعَلُ بَعْدَهَا يُطْلَقُ عَلَيْهِ أَنَّهُ عَقِيبُ الْفَرِيضَةِ

яъни: **“Намоздан кейинги зикрлар ҳақидаги ҳадисларда уларни суннатдан аввал қилиш кераклигига далолат йўқ. Балки у ҳадисларни суннатдан кейин зикр қилиш деб тушунилади. Чунки суннатлар фарзларга қўшилувчи, эргашувчи ва уларни мукамал қилувчидир. Суннатлар фарзлардан айро эмас. Суннатдан кейин қилинган зикрларни ҳам, фарздан кейин бажарилган ҳисобланади”** (“Раддул мухтор” китоби).

Шунингдек, намоздан кейинги тиловати Қуръон ва жамоат бўлиб дуо қилишлар ҳам фазилатли амаллардан бўлиб, динимиз кўрсатмаларида бу амалларга тарғиблар борди. Саҳобаи киромлар “Эй Расулуллоҳ, қайси дуо энг қабул бўлгучи бўлади?”, деб сўрашганда, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам мана бундай жавоб берганлар:

﴿جَوْفُ اللَّيْلِ وَدُبُرُ الصَّلَوَاتِ الْمَكْتُوبَةِ﴾ (رواه الترمذي عن أبي امامة رضي الله عنه)

яъни: *“Энг ижобатга яқин дуо) кечанинг охири ва фарз намозларидан кейинги дуолардир”* (Имом Термизий ривоятлари).

Шундай экан, фарзу суннатларни тугатгандан кейин Оятал курси, зикрлар, тиловати Қуръон ва дуо қилишлар ҳам Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларию феълларига мос келиб турганда, одамлардан ажралиб қолиб, улар суннат намозини ўқишга турганда анчагина ўтириб қолиш, натижада турли тушунмовчиликлар, ихтилофлар келтириб чиқариш ибодатнинг савобини кетказиб қўяди. Бу масалада нафсу хоҳишимиз билан эмас, балки суннатга мувофиқ йўл тутсақ, айти муддао бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда зикру тасбеҳлар ҳеч қандай харажат талаб қилмайдиган, инсонга машаққат юкламайдиган амаллардир. Лекин улар тилга осон бўлишига қарамай, Қиёмат куни амаллар тарозусини тўлдириб, оғир босади. Бу Аллоҳ таолонинг биз Ислом умматига берган катта имтиёзи ва марҳаматидир. Диёримизда қадимдан ушбу гўзал Набавий тавсияларга амал қилиб келинмоқда ва бунинг баъзилар даъво қилгани каби шариатимизга зид келадиган жойи йўқ.

Аллоҳ таоло барчамизни имон, исломда бардавом қилиб, зикру тасбеҳларга бўлган муҳаббатларимизни бунда-да зиёда айласин! Ўқиладиган Оятал курси ва зикру дуоларимизнинг баракотидан Аллоҳ таоло элу юртимизни турли бало ва офатлардан сақласин! Омин!